



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 16 март, № 52 (6487) • Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ДЕПУТАТЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТДИЛАР

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар ўз конституциявий ваколатларига мувофиқ, сиёсий партияларнинг 2015 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитди. Ушбу масала бўйича барча сиёсий партиялар раҳбарлари сўзга чиқди.

Мажлис давомида таъкидландики, сўнгги йилларда энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири, шунингдек, уларнинг парламентдаги фаолияти сезиларли даражада кучайди. Умумқабул қилинган демократик стандартларга ва халқаро нормаларга тўлиқ жавоб берувчи сиёсий партияларни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Бугунги кунда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электрат манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имкониятга эгадир.

“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, ҳар бир партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сонига қараб ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларининг муайян ҳажмларини олиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партияларни молиялаштириш қонунчилик, очкилик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги принциплари асосида, қонунга қатъий риоя этилган ҳолда, амалга ошириб берилди. Барча сиёсий партиялар ўз фаолиятини молиялаштириш ҳажми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда эълон қилди ва ўз аъзолари ҳамда жамоатчиликнинг уларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишини таъминлаб берди.

Мажлисида Ўзбекистондаги сиёсий партиялар молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган

тартиб ва муддатларда тақдим этганликлари айтиб ўтилди. Мазкур масаланинг муҳокамаси чоғида сўзга чиққан депутатлар давлатимиз раҳбари 2015 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент олдида турган энг муҳим масалаларни белгиланган ҳолда, Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва аҳамиятини бор имкониятлардан фойдаланиб оширишни, умуман олганда, кўп партиявийлик тизимини янада изчил ривожлантиришни қайд этганини таъкидлаб ўтдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунчилик палатаси Регламентига палатанинг қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг фаол иштирокини таъминлаш механизмлари самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, партиялар фикрларини ҳисобга олувчи муқобил қонун лойиҳаларини сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан киритишнинг процесуал механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим ҳаётий масалаларини белгилловчи ўки бу қонунлар бўйича ўз нуктаи назарларини кенг жамоатчиликка етказилишини таъминловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Депутатлар сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни кучайиб бораётганини муносабат билан, сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР

замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда беқиёс имкониятлар яратмоқда



“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётига қанот бахш этаётганлиги нафақат халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда, балки дунёдаги энг нуфузли ишлаб чиқарувчиларни ҳам ўзига жалб қилаяпти. Бу эркин бозор шакллари чегара билмаслигини, мақбул шарт-шароит яратилган жойда унинг жадал ривожланишини яна бир қарра исботловчи ёрқин мисолдир.

ИСЛОҲОТ



2014 йил 17 сентябрь куни “Ангрен” махсус индустриал зонасида “Angren shakar” хорижий корхонаси ўз фаолиятини бошлади ва қисқа муддат ичида Ўзбекистон биржа бозорида мазкур ҳўжалик юритувчи субъект томонидан сотилган махсулотнинг умумий ҳажми қарийб 700 тоннани ташкил этди. Трейдерларнинг фикрича, биржада янги завод махсулотининг пайдо бўлиши туфайли мамлакатимиз ўз ички эҳтиёжини тўлиқ таъминлашга эришди. Чунки Хоразмдаги турдош корхона илгари истеъмолчилар талабининг ярмини қоплаб келар эди.

Юртимизнинг шакар ишлаб чиқарувчи иккинчи корхонаси яйдок далада бунёд этилди. Жаҳон тажрибасига кўра, бундай қурилишни якунлашга камида 3 йил кетади. “Angren shakar” эса 20 ойдан ортиқроқ муддатда нафақат тикланди, балки унинг худуди сўлим ҳамда гўзал ошёнга айлантирилди. Анвойи гуллару барқ уриб ўсаётган дараклардан баҳридингиз яйрайди. Заводга ўрнатилган дастгоҳлар Германиянинг энг машҳур компаниясида ишлаб чиқарилган бўлиб, улар оҳангорлик, нурободлик ва олмалиқлик ёшлар измида. Аксарияти касб-хунар коллежлари битирувчилари

ридик. Бу, ўз навбатида, “ақлли технологиялар” асосида ҳаракатланадиган ускуналарни бошқаришда қўл келаётир. — Бизнинг лабораториямизда, — дейди ёш мутахассис Феруза Алиева, — Бразилиядан келтирилган яримтайёр хом ашёнинг таркибидан тортиб, ундан тайёрланадиган махсулот сифатига ўта аниқ баҳо берилди. Шу боис бугунги кунда заводда ишлаб чиқарилаётган 1000 тонна махсулот барча халқаро сифат талабларига тўлиқ мос келади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон «ITB Berlin» халқаро сайёҳлик ярмаркасида

Жорий йилнинг 9 — 13 март кунлари Германия пойтахтида нуфузи жиҳатидан дунёда етакчи ўринлардан бирида турадиган “ITB Berlin” халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтказилди. Мазкур анъанавий тадбирда жаҳоннинг 180 давлати қаторида Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

“Буюк Ипак йўли мамлакатлари” павильонидан жой олган секциялардан бирида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ҳамда юртимизда фаолият кўрсатаётган “Central Asia Travel”, “Olympic Tour”, “Culture du Monde”, “Sitara International”,

диққатга сазовор масканларимиз ҳақидаги батафсил маълумотлар билан яқиндан танишиш имконияти яратиб берилди, улар ярмаркага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

Айни чоғда форум кунлари юртимиз санъат усталарининг чиқишлари ҳам томошбинларга унутилмас таассуротлар туҳфа қилди.

“ITB Berlin” давомида вакилларимиз Германия, Испания, Франция, Болгария сайёҳлик маъмуриятлари раҳбарлари, тармоқ компаниялари етакчилари ҳамда Европа оммавий ахборот воситалари мутасаддилари билан катор

учрашув ва музокаралар ўтказди.

Тадбир доирасида юртимизнинг Германиядаги элчихонасида Ўзбекистоннинг туризм салохиятига бағишланган тақдирот маросими ҳам ташкил этилди. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирда мезбон давлат вазирилик ва идоралари, дипломатия корпуси, туризм ташкилотлари, фирмалари, компаниялари ҳамда ОАВ вакиллари катнашди.

(Давоми 4-бетда).

ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 15 март куни қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида фаолият юритувчи компания ҳамда концернлари раҳбарлари, мутахассислар катнашди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири ўринбосари Б. Сулаймонов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Като ҳамда бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга

расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бағишлади.

Япония Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот, Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот асосида изчил ривожланаётир.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаси Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан. Япония йўналишида республикада 1995 йилдан буюн бошқа соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалигини ҳам камраб олган кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам дастурини амалга ошириб келапти. Утган даврда мазкур дастур доирасида умумий қиймати 23 миллион 380 минг доллардан ортиқ 352 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

(Давоми 2-бетда).

Журналистлар учун ўқув-семинарлари

ОАВ вакилларининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ҳамда маҳаллалар фаолиятига оид билим ва малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарори билан тасдиқланган 2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ҳамда ўтказишга доир Тадбирлар режаси ижросини таъминлаш доирасида маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўқув-семинарлари ўтказилаётир.

ЖАРАЁН

“Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли” мавзусидаги икки кунлик ҳудудий ўқув-семинарлари Ўзбекистон

мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Маҳалла” фонди, бошқа манфаатдор давлат органлари ҳамда жамо-

ат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилапти.

Яқинда Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар учун ўтказилган ўқув-семинарида

Сенат аъзолари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Халқ таълими вазириликлари, “Маҳалла” фонди, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотлар мутахассислари маърузалар билан катнашди.

Тадбирда бўлажак фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатни демократлаштириш ва

либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни тораб чуқурлашиб бораётган бир шароитда ўтказилаётгани ҳамда бу ҳар бир иштирокчидан, шу жумладан, журналистдан катта билим ва малака талаб этиши таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, юртимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида унинг моҳияти ва аҳамиятини ошириш борасида баҳарилган ишлар ҳусусида атрофлича сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

БАРЧА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодийда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сонли қарорига асосан, стратегик хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган қуйидаги акциядорлик жамиятларининг давлат акциялар пакетлари бўйича

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Т/р	Жамиятнинг номи ва юридик манзили	Фаолият ихтисослиги	Жамиятнинг тавсифи (2015 йил якуни бўйича)	Давлат акция пакети (фоизда)	Акциялар сони (дона)	Бошланғич нархи (АҚШ долларида)		Савдо ташкилотчиси
						акциялар пакети учун	1 дона акция учун*	
1.	«Navoiyazot» акциядорлик жамияти, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, 5-уй, Саноят худуди	Минерал ўғитлар, нитрон толаси ва кимёвий реагентлар ишлаб чиқариш	Соф фойда (зарар) — 47 204 731 минг сўм, ишчилар сони — 10 068 нафар	49,0	153 212 850	200 901 154,55	1,32	«Тошкент» Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти
2.	«Qizilqumsement» акциядорлик жамияти, Навоий вилояти, Навоий шаҳри	Цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Соф фойда 10 161 609 минг сўм, ишчилар сони — 3 589 нафар	35,9	160 658 567	160 328 000	1	«Тошкент» Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти
3.	«Инвестстрой» акциядорлик жамияти, Россия Федерацияси, Владимир шаҳри, Строители шоҳқўчаси	Нотураф қўчмас мулкларни ижарага бериш	2014 йил якуни бўйича соф фойда 789 минг Россия рубли, ишчилар сони — 13 нафар	60,0	7 140	2 526 274,8	353,82	—

* Бир дона акциянинг бошланғич нархи юздан биргача яхлитланган ҳолда кўрсатилган.

«Navoiyazot» ва «Qizilqumsement» акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетларини сотиш «Тошкент» РФБнинг блок-трейдинг секциясидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. «Инвестстрой» акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикасига тегишли акция пакети бўйича олди-сотди шартномасини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш Россия Федерациясининг қимматли қозғолар тўғрисидаги қонуничилигида қўзда тутилган тартибга асосан амалга оширилади.

Инвесторларнинг Давлат рақобат қўмитасига ҳамда «Тошкент» Республика фонд биржасига «Navoiyazot» ва «Qizilqumsement» акциядорлик жамиятлари бўйича тушган буюртманомалари (таклифлари) ўрнатилган тартибда давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади. «Инвестстрой» акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикасига тегишли акция пакети бўйича танлов таклифлари (буюртманомалари) Давлат рақобат қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари давлат акцияларини эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да сотиб олишлари мумкин.

«Navoiyazot» ва «Qizilqumsement» акциядорлик жамиятларининг давлат акцияларини сотиб олиш учун харидор (харидорнинг воситачиси) биржа савдолари бошланишидан камидат ўттиз дақиқа олдин харидор (харидорнинг воситачиси) сотиб олиш ниятида бўлган давлат акциялари бошланғич нархининг камидат 15 фоизи миқдоридида закатат пулини эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да «Тошкент» РФБ АЖнинг Ҳисоб-китоб-клиринг палатасида қуйидаги:

банк коди: 00407, MAIN OPERATIONAL BRANCH OF NBU OF UZBEKISTAN, TASHKENT SWIFT CODE: NBFA UZ 2X, 20208840600598771014 (АҚШ доллари)да хисоб рақамига тўлаши лозим.

Закатат талабгорнинг воситачиси кўрсатилмасдан тўланган тақдирда, сотувчига ёки «Тошкент» РФБнинг

Ҳисоб-китоб-клиринг палатасига шартнома-топириқноманинг нусхаси тақдим этилади.

Савдо голибининг закатат суммаси сотиб олинган давлат акциялари учун сотиб олиш тўловлари хисобига ўтказилади.

«Navoiyazot» ва «Qizilqumsement» акциядорлик жамиятлари давлат акция пакетларини сотиб олиш бўйича танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили сотувчи — Давлат рақобат қўмитасига ёки савдо ташкилотчиси — «Тошкент» РФБ АЖга, «Инвестстрой» акциядорлик жамиятининг Ўзбекистонга тегишли акция пакетини сотиб олиш бўйича эса Давлат рақобат қўмитасига буюртманома тақдим этиши лозим.

Шу билан бирга, курьер ёки почта орқали очик танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган танловда қатнашиш учун буюртманомани икки нусхада сотувчи — Давлат рақобат қўмитасига тақдим этади:

- нодавлат юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
- очик танлов тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисобварағига закатат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси;
- танлов ҳужжатларида мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган, икки нусхадаги беркирилган конвертларга солинган танлов таклифлари: — сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати; — инвестициявий мажбуриятларнинг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари;

— талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Устав фондининг 35 фоизи ва ундан кўпрогини ташкил этувчи давлат акцияларини сотиб олишда талабгор ёки унинг ваколатли вакили қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, Давлат рақобат қўмитасининг ёхуд ҳудудий органнинг мазкур акциядорлик жамиятининг давлат акцияларини сотиб олишга розилигини олдиндан ёки буюртманомаларни очиш вақтида тақдим этади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча саҳифаси талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Конвертларни очишнинг белгиланган санасига қадар талабгор ёзма билдиришнома бериш орқали ўзининг буюртманомасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолатда талабгордан тушган закатат пули билдиришнома рўйхатга олинган кундан бошлаб беш банк кунидан кеч бўлмаган муддатда тўланган валютада қайтарилади.

Савдо ташкилотчиси ҳамда сотувчи томонидан танловда қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилиши 2016 йил 16 мартдан бошланади ва хабарномада кўрсатилган конвертларни очишнинг ҳар бир санасидан уч соат олдин тамом бўлади.

Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссиясининг қарори тасдиқлангандан кейин сотувчи 20 (ийгирма) кундан ортик бўлмаган муддатда савдо голиби билан ўрнатилган тартибда олди-сотди шартномасини тузади.

Талабгор давлат акцияларининг сотувчиси ҳамда эмитентдан давлат акцияларини сотиб олиш учун ўзи қарор қабул қилиши учун зарур бўлган қўшимча ахборотни сўраш ва олишга ҳақлидир, ўзининг хусусиятига кўра хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборот бундан мустасно.

Танловлар икки ой давомида ўн иш кунидан бир марта даврийлик билан ўтказилади.

Танлов таклифлари билдирилган конвертларнинг биринчи нусхалари 2016 йил 15 апрель куни соат

15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси биносининг 3-қават, 3-01-хонасида очилади.

Шу куни талабгорлардан давлат акцияларини сотиб олиш бўйича буюртманомалар тушмаган тақдирда, кейинги белгиланган танлов савдоларига тушган танлов таклифлари билдирилган конвертларнинг биринчи нусхалари 2016 йил 29 апрель, 16 май, 30 май, 13 июнь, 27 июнь кунлари соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси биносининг 3-қават, 3-01-хонасида очилади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Сотувчи:

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй. Телефонлар: (+99871) 259-21-38, 259-21-14, 259-20-29.

Веб-сайтлар: www.gkk.uz, www.gki.torg.uz
Электрон почта манзили: privatization@gki.uz

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат этиш мумкин:

«Тошкент» Республика фонд биржаси,

Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: (+99871) 236-07-40, 232-32-31.

Веб-сайт: www.uzse.uz
Электрон почта манзили: info@uzse.uz

«Mulk-sarmoya brokerlik uyi» AJ,

Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: (+99871) 232-10-45, 232-10-46.

Веб-сайт: www.ndvakt.uz
Электрон почта манзили: xursan@ndvakt.uz

Ҳурматли тadbirkorлар ва ишбилармонлар!

Танлов жараёнида қонун билан ҳимояланган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда,

Давлат рақобат қўмитасининг

(0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

TO THE ATTENTION OF ALL FOREIGN INVESTORS!

The State Committee of the Republic of Uzbekistan for Privatization, Demopolization and Development of Competition

HEREBY INVITES YOU TO PARTICIPATE IN THE OPEN COMPETITIVE BIDDINGS

related to the State-owned Stock Packages present at the Charter Funds of the following Joint-Stock Companies, subject to Sale to the Strategic Foreign Investors in accordance with the Decree by the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2015 PD-2340 «On Measures Aimed at Increase of the Share and Significance of the Private Ownership in the Economy»

No	Name and Legal Address of a Company	Kind of Activity	Characteristics of a Company (by the results of 2015)	State-owned Stock Package (%)	Quantity of Stocks (pieces)	Initial Price for a Stock Package (US Dollars)	Initial Price for a single piece of a Stock (US Dollars)*	Sales' Organizer
1.	«Navoiyazot» JSC, Industrial zone, Navoiy City - 5, Navoiy Region	Production of mineral fertilizers, nitron fiber, chemical reagents	Net Profit (Loss) of the Company by the end of 2015 constitutes — 47 204 731 thousand Uzbek Soums. Number of Personnel: 10 068	49,0	153 212 850	200 901 154,55	1,32	«Toshkent» Republican Stock Exchange JSC
2.	«Qizilqumsement» JSC, Navoiy City, Navoiy region	Production of cement and cement items	Net Profit of the Company by the end of 2015 constitutes — 10 161 609 thousand Uzbek Soums. Number of Personnel: 3 589	35,9	160 658 567	160 328 000	1	«Toshkent» Republican Stock Exchange JSC
3.	«Investstroy» JSC, Builders Avenue, Vladimir City, Russian Federation	Let on lease of the non-domestic real property	Net Profit of the Company by the end of 2014 constitutes — 789 thousand Russian Roubles. Number of Personnel: 13	60,0	7 140	2 526 274,8	353,82	—

* Price for a single piece of a Stock is indicated in round figures

Sales of the State-owned Stock Packages of «Navoiyazot» JSC and «Qizilqumsement» JSC will be performed via the Block-Trading Section of «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC. Conclusion and registration of an agreement on Sale-Purchase of 15th «Investstroy» JSC's Stocks will be performed in accordance with the order stipulated by the Russian Federation Legislation on the Securities.

The Investor's Applications (Proposals) on purchase of the State-owned Stocks of «Navoiyazot» JSC and «Qizilqumsement» JSC presented to the State Competition Committee and «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC will be subject to consideration, in the established order, by the State Commission for Conduct of Tender Sales at the Sale of the State-owned Property to Foreign Investors. Competitive Bidding Proposals (applications) on purchase of the «Investstroy» JSC's Stocks will be received by (shall be presented to) the State Competition committee of the Republic of Uzbekistan.

Non-residents of the Republic of Uzbekistan may purchase the State-owned Stocks in way of paying for them in Free Convertible (Hard) Currency (US Dollars).

For purchase of the State-owned Stocks of «Navoiyazot» JSC and «Qizilqumsement» JSC, a Buyer (a Broker of the Buyer) is obliged, not less than thirty minutes prior to the beginning of the Exchange Sales, to deposit at the Settlement and Clearing Chamber (SCC) of the «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC, a pledge in form of the cash means in Free Convertible (Hard) Currency (US Dollars) at size of not less than 15 percent of the Initial Price of the desired State-owned Stocks into following bank account:

Bank Code: 00407, MAIN OPERATIONAL BRANCH OF NBU OF UZBEKISTAN, TASHKENT SWIFT CODE: NBFA UZ 2X, 20208840600598771014 (US Dollars).

In case of deposit of the cash means without indicating a (Buyer's) Broker, a copy of the Commission Agreement shall be presented to the Seller or the Settlement and Clearing Chamber (SCC) of the «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC.

Cash means deposited as a pledge will be taken into account at performance of the Purchase Payments to be done by a Winner of the Competitive Bidding for purchase of the State-owned Stocks.

For participation in a Competitive Bidding for purchase of the State-owned Stocks of «Navoiyazot» JSC and «Qizilqumsement» JSC, an Applicant or his/her Authorized Representative shall present the Application to the Seller, i.e. State Competition Committee or to the Sales' Organizer, i.e. «Toshkent» Republican Stock Exchange JSC. For participation in a Competitive Bidding for purchase of the State-owned Stocks of the «Investstroy» JSC, belonging to the Republic of Uzbekistan, an Applicant or his/her Authorized Representative shall present the Application to the Seller, i.e. the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan.

Simultaneously, a Pretender or his / her Authorized Representative, in way of sending by a courier or by the post, shall present to the Seller — State Competition Committee, the Application on participation in a Competitive Bidding in two copies with the attachment of the following documents:

- for Non-State Legal Entities — a copy of the Certificate on the State Registration and the Power of Attorney formalized in the order established by the legislation, for participation in a Competitive Bidding of an Authorized Representative with the attachment of a copy of a document identifying his/her person;
- for Natural Persons — a copy of a passport, at participation in a Competitive Bidding of an Authorized Representative, also the Power of Attorney, formalized in the order established by the legislation with attachment of a copy of a document identifying his/her person;
- a copy of a payment document confirming deposit of the pledge money into the bank account indicated at the Announcement on an Open Competitive Bidding;
- two copies of the Competitive Bidding Proposals, composed in accordance with the Competitive Bidding's Documentation, placed into the sealed envelopes and which shall include:

proposed amount of the Purchase Payment and periods of its payment;

proposed amount of the Investment Obligations, forms, periods and terms of their contribution (fulfillment);

documents confirming the Financial Sustainability of a Pretender and (or) previously implemented Investment Projects at an according branch (if any).

At purchase of the State-owned Stocks constituting 35 and higher percent of the Charter Fund, a Pretender or its / his / her Authorized Representative shall present in advance or at the moment of opening the envelopes containing its / his / her Proposals, a preliminary consent of the State Competition Committee or a Territorial Body related to purchase the State-owned Stocks of a given Joint-Stock Company in cases established by the legislation.

All pages of the presented documents shall be verified by a seal and signature of a Pretender.

Before a date set for opening of the envelopes, a Pretender is entitled to call back its / his / her Application in way of presenting a written notification. In such a case, the pledge money deposited by a Pretender shall be subject to return in the same, as previously paid, currency, within a period of not later than five banking days since a date of registration of a received notification.

Acceptance of the Applications on participation in the Open Competitive Bidding will be started from March 16, 2016 and will end up three hours prior to each of the dates set for opening of the envelopes indicated at the Announcement (Notification).

After the adoption of a decision by the State Tender Commission, the Seller, within a period not exceeding 20 (twenty) days shall conclude with the Winner a Sale-Purchase Agreement within periods indicated at the legal acts.

A Pretender, for the sake of taking a decision on purchase of the State-owned Stocks, is entitled to request and get from the Seller and the Issuer the necessary additional information, excluding the information, which due to its specificity is considered being the official or the commercial secret.

Competitive Biddings will be conducted during the following two months with the periodicity of once in each ten days.

Envelopes containing the first copies of the Competitive Bidding Proposals will be opened on April 15, 2016, on 15:00 p.m. at the room 3-01 on the third floor of the building of the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan.

If by the abovementioned date, no Applications from Pretenders on purchase of the State-owned Stocks were received, the envelopes with Proposals received as a result of the consequent Competitive Biddings will be opened on April 29, May 16 and May 30, June 13 and June 27, 2016, on 15:00 p.m. at the room 3-01 on the third floor of the building of the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan.

Welcome to the Competitive Biddings!

The Seller: the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan;

Address: 55, Uzbekistanskiy Ave., Tashkent City
Phones for information: (+99871) 259-21-38, 259-21-14, 259-20-29.

Web-sites: www.gkk.uz, www.gkitorg.uz,
E-mail: privatization@gki.uz

For additional information you may also apply to the following addresses:

«Toshkent» Republican Stock Exchange JSC,

10, Bukhara str., Tashkent City
Phones for information: (+99871) 236-07-40, 233-32-31.

Web-sites: www.uzse.uz, E-mail: info@uzse.uz

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» AJ

(Property-Investment Brokers' House),
10, Bukhara str., Tashkent City
Phones for information: (+99871) 232-10-45, 232-10-46.

Web-site: www.ndvakt.uz, E-mail: xursan@ndvakt.uz

Dear Entrepreneurs and Businessmen!

In case of violation of your rights during the process of the Competitive Biddings' conduct, please urgently contact and inform us through the «hot-line» of the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan:

(0-371) 259-21-37.

Халқимиз ардоғидаги айём

Наврўз халқимиз тарихи, фалсафаси, қадриятларини ўзида мужассам этган ажиб айёмдир. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида "Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизда шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам — шарқона янги йил бўлиши Наврўз айёми мисолида айниқса ёрқин намоён бўлади", дея бу байрамни маънавиятимизни шакллантирувчи асосий мезонлардан бири сифатида алоҳида таъкидлайди.

НАВРЎЗ НАФАСИ

Қадимда йил тақвими, яъни фасллар алмашинуви, унинг кутбларини билиш киши фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимиз қуёш, ой, юлдузлар ҳаракатини кузатиб, улар ҳақида муайян билимга эга бўлганлар. Аслида, Наврўз ҳақидаги мавсумий маросимлар ва кўшиқлар моҳиятида ана шу жараёнлар ҳақидаги тасаввурлар ўз аксини топган.

Айнан кўклар пайтида фасллар алмашинуви, табиатнинг уйғониши, у билан боғлиқ "Шоҳ мойлар", "Қозон тўлди" каби қадимий маросимлар, қўчқор, ҳўроз уриштириш томошалари, полвонлар кураши, бахшилар беллашуви, сумалак, лола сайиллари бўлиб ўтган. Улар моҳиятан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушкулларини енгиллаштириш, келаётган кўклар ва янги йилни кўтлаб, унинг кут-баракати ўтишини тилаш, турли ўйин, ҳаракат, кўшиқлар асосида бошланаётган йилнинг қандай келишини чамалаб кўришга хизмат қилган. Ушбу эътиқод ва у билан боғлиқ тадбирлар тизими элимиз орасида бугунги кунгача яшаб келмоқда.

Наврўз билан боғлиқ кўпгина маросимлар, урф-одатлар, кўшиқлар, ўйинларнинг зами-



рида аслида халқимизнинг она-табиат ва юртага муҳаббат, аёлга эҳтиром, фарзанд тарбияси билан боғлиқ энг кўхна тасаввурлари мужассам эканини кўрамиз. Оддий бир мисол: "Оқ теракми, кўк терак?" деган ўйинни олиб қарайлик. У баҳор маросимининг таркибий қисми бўлгани учун ҳам, асосан, шу мавсум пайтида ўйналиб, дастлаб катталар, сунгра болалар машғулотига айланган. Бизнингча, бу ўйин кун-тун, қиш ва баҳор тўқнашуви ҳақида қадимий тасаввурларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Бинобарин, те- рак баргининг оқ томони кун-

дуз, кўк томони эса қоронғи- ликини акс эттиради. Қиш енгилса, баҳор голиб келади, тун чекинса, кун узаяди. Зеро, ўйин фольклори матнида асосий ургу шу жиҳатга қаратилган. Кўклар даракчиси тимсоли сифатида бойчечак олинган. Қадимда айнан мана шу тасаввурларнинг барчасини бирлаштириб турадиган "Бойчечак" деган маросим ҳам бўлган. Баъзи бир кўшиқлар, тадбирларнинг илдизлари ҳозирги кунларда ҳам деярли барча вилоятларда, баъзиларида маросим шаклида, айрим ҳудудларда эса қўшиқ шакли- да сақланиб қолган.

Бойчечак тутган болалар уйма-уй юриб, хонадонлардан қишни "ҳайдашган". Маросим қанча тантанавор ўтса, унда кўкларни улуғловчи кўшиқлар нақадар баланд куйланса, қаҳратон хонадонларни шунча- лик тез тарқатишига ишонилган. Кўклар чечаги бойчечак эса хонадонларга шоду ҳур- рамлиқ, бахт ва омад, кут ҳамда барака олиб келади, деб тасаввур қилинган.

Тарих бу шунчаки рақамлардангина иборат эмас. У ҳар бир халқнинг тушунча ва тасаввурларини, қувончу ташвишларини, орзу-умидларини ифодалайди. Мана йигирма олти йилдан ошиқроқ вақт мобайнида биз Наврўзни кенг миқёсда нишонлаётимиз. Мустақиллик арафасида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан тилимизга давлат тили мақомининг берилиши, миллий қадриятларимизнинг, хусусан, Наврўз айёмининг қайта тикланиши келажак авлод учун юксак ибратдир. Ёшлар ҳам шунга муносиб бўлиб, аёнчалар бардавомлигини таъминлашга ҳисса қўшиши айни мудоао саналади.

Биз ҳар йили Наврўз айёмини зўр тантаналар билан нишонлаймиз. Унинг янгидан- янги қирраларини, асрлар бўйи сир-синоат бўлиб келаётган жиҳатларини кашф этиб бора- верамиз. Зотан, умуминсоний қадриятларни улуғлаб эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал билан яшаётган юртда байрамлар бардавом бўлади.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
филология фанлари доктори.

Ўзбекистон «ITV Berlin» халқаро сайёҳлик ярмаркасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бинобарин, шу аснода мамлакатимизнинг бой сайёҳлик имкониятлари кенг намо- йиш қилинди. Таъкидланганидек, ўзбек замини жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири ҳисобланиб, асрлар давомида Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк бўлиб келган. "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатлашган маросим қатнашчилари ҳам буни алоҳида эътироф этди.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ипак йўли бўйича дастури менежери Алла Перессолова мазкур халқаро ярмаркадаги муваффақиятли иштироки билан делегация- мизни алоҳида қутлади. У миллий секциямиз ранг-баранг ва сермазмун бўлгани, бу Ўзбекистоннинг туризм имконият- лари билан яқиндан танишиш учун жуда қулай имконият яратганини айтиб ўтди.

— Юртингизда сайёҳликни янада ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбир- лар диққатга сазовордир, — деди у. — 2014 йил октябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташки- лоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси юқори савияда ўтказилгани шу йўлдаги сайё- ҳаракатларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Фурсатдан фойдаланиб,

Ўзбекистонликларни Шарқ халқлари маънавий-маданий ҳазинасининг ажралмас қисми бўлган ҳамда тобора яқин- лашиб келаётган Наврўз байрами билан самимий қутлайман.

Буюк Ипак йўли йўналиши бўйича сайёҳлик лойиҳасини рўйбга чиқараётган **"China-Tours-Hamburg" компанияси раҳбари Гуо Шенг Лиу** Ўзбекистон бу борадаги энг жозибали ва муҳим масканлар- дан бири эканлигига ургу берди.

— Мамлакатингиз европа- ликлар учун катта қизиқиш уйғотаётган улкан сайёҳлик са- лоҳиятига эгадир, — деди у. — Гап шундаки, "ITV Berlin" анжуманидаги секциянгизни айлантим. Республикангизнинг Германиядаги элчихонасида ташкиллаштирилган маросим- ларда қатнашдим ва Ўзбекистон- ни ўзим учун, том маънода, қайта кашф этдим. Дарҳақиқат, диёрингиз бой тарихи, ноёб маданияти ҳамда бебаҳо мей- морий обидаларга эга. Қола- верса, у ерда туризмнинг за- монавий турларини раванқ топ- тириш, хорижлик меҳмонларга зарур шароитларни муҳайё- қилиш учун катта куч-гайрат сарфланаётганидан яхши ха- бардоримиз. Биз Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкор- ликни изчил давом эттираёт- ганимиздан мамнунимиз.

Ипак йўли бўйича немис эксперти Андреас Блезер- нинг фикр билдиришича, Ўзбе- кистон хорижликларни нафақат осоритикалари, балки аёнча ва урф-одатлари, меҳмон- дўстлиги, самимияти, кенг кўламли бунёдкорлик жараён- лари билан ҳам ўзига жалб қилмоқда.

— Мустақил ривожланиш- нинг қисқа даври мобайнида юртингизда барча соҳада ул- кан ишлар амалга оширилди, — деди у. — Шаҳару қишлоқ- лар қиёфаси тобора замона- вий кўриниш касб этиб, обод бўлиб борапти. Халқингизнинг битмас-туганмас тарихий- маданий мероси борган сари кўпчиликнинг эътиборини тортаётир. Бу бетакрор заминдаги тинчлик ва барқа- рорлик, ўзаро дўстлик ҳамда бағрикенглик муҳити туризмини жадал тараққий топтириш учун муҳим асос бўлапти.

Ҳадемай юртингизда яша- риш ва янгилашиш айёми — Наврўз байрами кенг нишон- ланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқини чин дилдан табриқлаб, ўзимнинг энг эзгу тилақларимни йўлла- ман. Ишончим комилки, яқин истиқболда мамлакатингиз халқаро сайёҳлик марказлари- дан бири сифатида янада раванқ топади.

«Жаҳон» АА.
Берлин

Хурматли юртдошлар!

«АСАКА» банки жамоаси

сизларни Наврўз байрами билан самимий табриқлайди!

*Мамлакатимиз янада гўзал ва халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин!
Дастурхонлардан кут-барака, обод турмушимиздан фойз аримасин!
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ҳамда салоҳиятга
эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!*

Байрам муносабати билан банк миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«НАВРЎЗ — 2016»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 18 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 29 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги омонат турларини қулай шартларда таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	(0-371)	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36
Юнусобод филиали	(0-371)	221-80-67
Сергели филиали	(0-371)	257-44-10
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13
Андижон вилояти филиали	(0-374)	223-60-74
Асака филиали	(0-374)	233-21-99
«Фарход» филиали	(0-374)	226-96-63
Фарғона вилояти филиали	(0-373)	244-39-14
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-19-80
Кўқон филиали	(0-373)	542-61-01
Наманган вилояти филиали	(0-369)	227-15-68
Навоий вилояти филиали	(0-436)	770-21-29
Зарафшон филиали	(0-366)	572-40-14
Бухоро вилояти филиали	(0-365)	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-71-76
Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Қорақалпоғистон Республикаси филиали	(0-361)	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	(0-362)	228-14-81
Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз: Хизматлар лицензияланган.

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Qishloq Qurilish Bank

Бағрикенг ва меҳнатсевар халқимизни яшариш ҳамда янгилашиш айёми — Наврўзи олам билан чин дилдан муборакбод этамиз!

Барчага мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, куч-қувват, шунингдек, Мустақил Ўзбекистонимизнинг гўзаллиги ва бойлигини янада ошириш йўлидаги бунёдкорлик ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

Фурсатдан фойдаланиб, куйидаги омонат турларини таклиф этамиз.

Миллий валютада:

- **«Соғлом авлод».** Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- **«Омад».** Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- **«Юқори даромад».** Омонатга маблағлар 8 ойдан 15 ойгача қабул қилинади.
- **«Ёрқин келажак».** Омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

- **«Percent».** Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- **«Profit».** Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларларида қабул қилинади, фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Куйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган:

- **«Мадад».** Маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
- **«Хонадон».** Маблағлар 1 йилдан ортқ муддатга қабул қилинади.
- **«Қурилишга бошлангич бадал».** Муддати — 1 йил.

Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгаллик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-72-58, 150-39-93.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Ташрифта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов.
Навбатчи — З. Худойшукоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6